

## ГИЛАМДЎЗЛИКНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

Терду Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

Маллаев Дилмурот Турсунмуродвич

**Аннотатсия :** Ўзбекистон ҳудудида гилам тўқиш сан'ати тарихи ва ривожланиш тарихи ҳақида маълумот берилган

**Калит сўзлар:** Тўқима гилам, босма гилам Қохма гилам

**Аннотация:** информация об истории и развитии искусства ковроткачества на территории Узбекистана

**Ключевые слова:** тканевый ковер, набивной ковер, скользящий ковер

**Annotation :** information about the history and development of the art of carpet weaving on the territory of Uzbekistan

**Keywords:** tissue carpet, printed carpet slip carpet

Халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган турларидан бири гилам тўқиш санъати ҳисобланиб, кўп асрлик миллий анъанага ҳамда узок тарихга эга. “Гилам” сўзи жуда кўп маданий терминлар сингари туркий тилларга, хусусан, ўзбек тилига форс тилидан кириб келган (форсча - “килим” ёки “гилим”) бўлиб, сурёнийча galima (گالیم) сўзидан олинган. Ўз навбатида, сурёнийчага қадимги юнон тилидан кириб келган (юнонча - kalymma (κάλυμμα) “қоплама”, kalýptō (καλύπτω) – “қопламоқ”). [ 3. 130]

*Гиламдўзлик, гиламчилик, гилам тўқиш касби-маишгулоти, гилам ва гиламчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш* қадимдан аёллар орасида кенг тарқалган анъанавий уй машгулоти сифатида ривожланиб келган. Ҳозирги кунга келиб гилам тўқиш бадиий ҳунар тури ҳисобланади. Шунингдек, *гилам тўқиш амалий санъати* тури сифатида чорвачилик билан шуғулланадиган кўчманчи халқлар орасида хўжалик машгулоти ёки анъанавий уй ҳунармандчилиги сифатида кенг тарқалган.

Гилам қадимдан уй-хона ичини безатиш, иссиқ ҳароратни ҳосил қилиш ва сақлаш, шовқин-товушни камайтириш учун хизмат қилган. Гилам асосан полга, бўйра устига тўшаллади. Қўлда тўқилган гиламлар ўзининг чидамлилиги, чиройлилиги ва бетакрорлиги билан тўқув дастгоҳида тўқилган гиламлардан ажралиб туради. Гилам тўқишда қўй, эчки, туя жунлари ва гиламнинг асос ипи учун эса пахта толаларидан фойдаланилади. Ипакдан тўқилган гиламларда тук иплари ипак, танда ва арқоқ иплари пахта толасидан олинади.[ 5.90]

Гиламлар анъанавий тўқиш технологияси аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар

мобайнида ривожланиб ва мукаммаллашиб борган. Гилям тўқиш техникаси ва нақшининг мукаммаллиги, рангларнинг нозиклиги жиҳатидан гилямдўзлик бошқа хунар турларидан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистонда патли ва патсиз (палос) гилямларнинг тўқиладиган (*тўқима*-гули), буюмга тикиладиган (*тикма*-тайёр), бўяб босиладиган (*босма*-гули) турлари мавжуд<sup>1</sup>. Шу боис, гилямлар маҳаллий жой номлари, баъзида келиб чиққан қабилалар номи билан ҳам аталади.

*Тўқима гилям* тайёрлашда дастлаб гилямнинг гули тўқилади. Ўзбекистоннинг Хива, Андижон, Ургут, Қарши ва бошқа минтақалари каби Жиззах воҳасида ҳам тўқима гилямлар кўп учрайди. Улар ўзининг ўсимликсимон ва геометрик нақши, бежиримлиги, табиий маҳсулотлардан кўп фойдаланилганлиги ва мустаҳкам сифати билан ҳам машҳурдир.

*Тикма гилямга* алоҳида гул тикилади ва *босма гилям* эса гули бўяб босиладиган жараёнларни ўз ичига олади.

Патсиз гилямларни тўқиш учун ўтказиладиган ипни “қилич” деб аталадиган махсус ёғоч билан уриб боришади. Унда асосан бод келтириш муҳим саналади. [4.125] Патли гилямларни тўқиш учун дастлаб бирмунча, бир неча қатор тўқиш учун патсиз гилямларда қўлланиладиган усулдан фойдаланишади. У асосан гилямнинг четки қисмининг барча томонларида ҳам кузатилади. Уларнинг ораларида патлик, қалин қисми мужассамлашган. Гилямни тарқаб кетмаслиги учун уста гилямдўзлар гилямнинг четки қисмида махсус тор қисми маҳкам қилишади. Бу усул туманларда турлича ҳисобланади. Ўз ўрнида айтиб ўтиш лозимки, гилямнинг мустаҳкамлиги ҳам айнан мана шунга боғлиқ бўлади.

Гилямнинг иккала қисмида ҳам кесиб олингандан сўнг (дастгоҳдан) бирмунча ип миқдори чиқиб туради. Уларни ҳам бир-бирига боғлаб ва иккала томонини айланасига тикиб чиқилади. Гилямнинг тузилиши ва тасвирлари ҳам турлича бўлади. Кўп ҳолатларда гилям тасвирларининг муқобиллиги жиҳатдан ҳам бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Уларни фақат тўқиш усулидан ажратиш олиш мумкин. Баъзан соҳа мутахассислари ҳам бу борада кўп янглишганлар. Уни аниқлашда биринчидан пат чатмалари (тугунларидан), ўтказиладиган ўрталиқ ипини ўтказилиши, ён томонларидаги катакчалари ва патларни тўзиб кетмаслигини таъминловчи боғламлардан ҳам ажратиш мумкин. Бироқ бу ҳам жуда кўп ноаниқликни келтириб чиқаради. Чунки қадимги даврдаги эски турдаги гилямларда барчасида тўқиш жараёни бир хил бўлади. Айниқса, бу туркман гилямларида жуда кучли сезилади. Масалан, туркманларнинг салор ва сарик

қабилаларида тўқиш, тикиш тасвиридаги ҳолатлар бир-биридан деярли фарқ қилмайди. [1. 60]

Гидамларнинг бозорда яхши сотилиши учун албатта унинг сифати ва бежирим кўриниши бўлиши керак. Шунинг учун гиламдўзлар тайёр бўлган гиламларни тўқиш дастгоҳидан олганидан сўнг яна қайтадан яхшилаб ишлов беришган. Бунинг учун гиламдўзлар жунни ялтироқлиги, ипларни охириги четки қисмларини қайтарзда боғланганлиги ва патларнинг миқдори (қалинлиги)га қараб танлаб олишган. Гидамларнинг бундай ҳолатда тўқилиши ва тайёрланиб сотувга чиқарилиши учун гиламдўз усталар дастлаб тўқилган гиламнинг чап томонини тупроқ билан ювишган. Шу боис, гиламнинг патлик қисми ялтираб кўриниб турган, шунингдек, усталар гиламнинг ортикча ипларини чиқиб туришини йўқотиш учун оловдан ҳам фойдаланишган. Бу таваккал қилинадиган иш ҳам гиламдўзлардан жуда пухталиқ ва мохирликни талаб қилган ва воҳага хос локал хусусият ҳисобланган. [2.60]

Патсиз гиламларни кенг ва тор шаклдаги тўқиш икки хил усулда олиб борилган. Гидамларни чиройли ва мустаҳкам чиқишида ипларни юмшоқлиги ва яхши, сифатли бўялишига боғлиқ. Иплар қаттиқлиги гиламни сифатсиз чиқишига сабаб бўлади, айниқса, бу ҳолат гиламнинг ташқи томонида сезилиб қолади. Шунинг учун гиламдўз усталар бу жараёнда оқ рангли ёки яхши бўялган иплардан фойдаланишади

*Қохма* гиламларга *терма* ва *гажари* гиламлари киради. Бу матолар ингичка, узун чизиклар билан тайёрланган. Ҳар бир ингичка йўлакчада 7-8 хил катта кичик турли рангдаги йўлакчалар бўлиб, ушбу гиламлар(битта гилам)бир хил тусда (аксарият ҳолларда) бўлади.

Узун тўқилган ингичка дастгоҳдан чиққан гилам бир неча бўлакларга бўлиб кесилади ва бир-бирига бирлаштириб ён томони билан тикилади. Кесиш жараёнида гиламнинг ва уй хоналарининг энига қараб таққослаб кесиб олинади. Патсиз гиламлардан турли маҳсулотлар тайёрлаш мумкин. Бундан *хўржун*, *катта қоп*, *оёқ ости учун тўшамачи (тўшама)* ва *жойнамоз (ибодат учун гиламча)*лар тайёрлаш мумкин. Бу ўзбек ва тожикларда кенг кўламда ишлатилади.

Сурхон воҳаси гиламдўзлиги, жумладан, ўрганилган мавзунинг назарий жиҳатлари ва трансформациясини ёритишда аҳоли этник таркиби, тарихи, турмуш тарзи, иқтисодий ва табиий омиллар сингари бошқа бир қатор муҳим хусусиятларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

а) маҳаллий табиий-географик шарт-шароитларнинг мавжудлиги бу ерда чорвачилиқ қадимдан халқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб келган. Натурал хўжалиқнинг ўзига хос хусусиятилари хўжалиқ юритишнинг ушбу шакли манфаатларига

жавоб берадиган турли хил уй-рўзгор буюмларини ишлаб чиқаришга асосланган ва шунга эҳтиёж бўлган. Воҳа тоғли ҳудудларининг иқлим шароити, бу ерда яшовчи аҳоли чорвачилиги етарли даражада хўжалик учун турли хил маҳсулотларни тайёрлаш имконини берган. Бу эса ўз навбатида кигиз ва гилам тўқиш машғулотининг ривожланишига олиб келган; .[4.90]

б) маҳаллий табиий бўёқларнинг кўплиги – булоқ суви, алюмин кварцлар, темир сульфат, суюқ қатиқ, қорамол пешоби аҳоли томонидан маҳаллий табиий бўёқларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб, уларнинг мавжудлиги етарли миқдори, шунингдек, ажойиб сифати, барқарорлиги, ранг ёрқинлиги ва хилма-хиллиги каби жиҳатлар Сурхон гиламлари рангларининг ўзига хослигини шакллантирган ҳамда воҳада гиламчилик соҳасининг ривожланишига ёрдам берган; .[2.120]

#### Фойдаланилган адабиёт :

1. Ўзбекистон халқ амалий безак санъати. Меҳнат. Тошкент. 1991.
2. Мошкова В.Г. Ковры народов Средней Азии в конце XIX – начале XX вв.– Т.: “Фан”, 1970.
3. Жабборов И.М. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. –
4. Гюль Э. Қўнғирот гиламлари // Moziydan sado. – 2004. – № 1. – Б. 8-11.
5. Давлатова С.Т. Ўзбек анъанавий хунармандчилиги трансформацион жараёнлар контекстида (Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида XIX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари). – Тошкент: “Yangi nashr”,